

ISSN: 2545-0573

МИЛЛИЙ ФАЗИЛАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ТАЛАБА-ҚИЗЛАРНИНГ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ

Қосимова Озода Худойназаровна

СамДТУ, Педагогика ва психология кафедраси в.б.доц. п.ф.ф.д. (PhD)

Хусенова Мохинабону Нозимжоновна

СамДТУ талабаси

ARTICLE INFO.

Таянч тушунчалар:

қизлар тарбияси, миллий тарбия,
миллий фазилатлар,
шакллантириш, технология,
ахлоқий вазиятлар, баҳолаш,
коррекциялаш..

Резюме

В этой статье освещены содержания локальных технологий формирования национальных качеств у девушек-студентов.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб Республикамизда хотин-қизларнинг жамият ҳаётининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳалардаги фаоллигини ошириш, уларни моддий-маънавий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доир кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Айниқса, республика ҳукумати томонидан қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларнинг репродуктив саломатликларини таъминлаш, қизларнинг иқтидори ва истеъдодини рағбатлантириб боришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Мазкур ишларни амалга оширишда узвийлик ва узлуксизлик тамойилига риоя қилган ҳолда таълимнинг барча босқичларида амалга ошириладиган чора-тадбирлар тизими аниқ белгилаб олинган. Ушбу босқичлар орасида олий таълимда қизлар билан ишлаш жараёнига эса алоҳида эътибор қаратилган. Бунда иккита муҳим жиҳат ҳисобга олинган: қизларни келинликка, оналикка тайёрлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш. Сўнгги йилларда қизлар масаласи билан боғлиқ муаммоларнинг ортиб бориши, уларнинг маънавиятига таҳдид солаётган қуйидаги омилларга эътибор қаратишни талаб этмоқда:

- 1) бугунги кунда олий таълим муассаларида таълим олаётган қизлар ахборот тизимлари орқали жуда кўп турли йўсиндаги манбалар билан танишаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Таълим олаётган қизлар кўп вақтларини ўқиш масканлари ёки дугоналари билан биргаликда интернет клубларда ўтказиши уларнинг одоб-ахлоқ тарбиясига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаётганлиги;
- 2) ғарбга тақлид кўринишида қизларнинг кийиниш маданиятида ҳам кескин ўзгаришлар юзага келмоқда. Мазкур масалада “Қандай кийиниш инсоннинг ўзига боғлиқ” деган фикрга қўшилиб бўлмайди. Қизлар чиройли ва иболи кийиниш маданиятига ўргатилмаса, уларнинг

очиқ-сочиқ кийинишига кўз юмиб кетаверилса, бу ҳол бунданда баттар аҳволга олиб келиши мумкин. Ва ўз-ўзидан ҳақли савол туғилади: “Ҳозир улар шундай аҳволда юришса, келажакда фарзандларини қандай тарбия қилишади?”;

- 3) сўнгги йилларда оилаларда ажралишлар сони ортиб бормоқда. Бунга кўпчилик ҳолатларда қизларимизни келинлик илмини тўла-тўқис эгалламаганликлари, келинликка хос бўлган маънавий-ахлоқий фазилатларни яхши ўзлаштирмаганликлари ҳам сабаб бўлмоқда. Чунки келинлик мақомини олган қизларимиз орасида қайнота ёки қайнона кириб келганда телевизордан кўз узиб, ўрнидан туриб қаршилаш шартлигини билмайдиганлар ҳам, ариққа ахлат ташлашнинг гуноҳ эканини англамайдиганлар ҳам, сергаплик киши кадрини кетказишига аҳамият бермайдиганлар ҳам учраши;
- 4) қизлар орасида мол-давлатга, шон-шухратга, нафсга ўчлик каби салбий иллатларга интилиш кучаймоқда. Меъёрнинг бузилиши эса мувозанатнинг йўқолишига олиб келади. Мазкур ҳолат қизларда уят, андиша, ибо, орият каби юксак фазилатларни таркиб топтириш ва уни қадриятга айлантириш масаласини кўндаланг кўяётганлиги ва бошқалар.

Миллий фазилатлар ўз-ўзидан шаклланмайди. Уларнинг инсон қиёфасида намоён бўлиши у томонидан амалга ошириладиган хатти-ҳаракатнинг мазмуни билан тавсифланади.


Миллий тарбияни бериш жараёнида шахсда ўзликни англаш, ўзи мансуб бўлган халқ ва миллат ўтмиши, бугунги кунига нисбатан ҳурмат ва келажакга ишонч юзага келади. Миллий тарбиянинг шахс камолотини тарбиялашдаги ролига алоҳида урғу берар экан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.Каримов қуйидагиларни қайд этиб ўтади: “Нега миллий онг, миллий ғурур, миллий мафкура ҳақида жон куйдириб гапирамиз? Бунинг сабаби шуки, биз Ўзбекистонимизни буюк давлатлар қаторига қўшишга аҳду паймон қилдик. Болаларимизни, йигит-қизларимизни шу ғояга қаттиқ ишонадиган буюк давлат фуқаролари, буюк давлатга муносиб фарзандлар этиб тарбиялашимиз лозим”¹.

Миллий тарбия мазмунан энг юксак инсоний ғоялар ва энг мақбул умумбашарий ютуқларни ифодалайди. Инсоннинг эркин камолга етишига имконият яратади. Бу жараёнда ҳар бир фуқаро ўзининг ижтимоий бурчини тўла англаши, ижтимоий жихатдан фаол бўлиши, атрофида содир бўладиган воқеа-ҳодисаларга нисбатан муносабат билдира олиши, шахсий манфаатини миллий манфаат билан уйғунлаштира олиши, ўрни келганда халқ манфаатини шахсий манфаатлардан устун қўя билиши лозим.

Миллий тарбияни амалга ошириш асосида талаба-қизларда қуйидаги фазилатларни шакллантириш мақсадга мувофиқ (1-чизма).

Талаба-қизларда миллий фазилатларни шакллантириш жараёнига технологик ёндашув – кутиладиган натижаларига асосланиб, тарбиявий ишнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаштириш, мазкур жараёнининг ҳар бир босқичини алоҳида-алоҳида лойиҳалаш, тарбиявий ишнинг шакл, метод ва воситаларини аниқ белгилаб олишга қаратилган тизимли жараён.

1-чизма. Талаба-қизларда акс этиши зарур бўлган миллий фазилатлар тизими



Тарбия жараёнининг маълум бир мақсадга қаратилганлиги, тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг биргаликдаги фаолиятининг аниқ натижага йўналтирилиши, хулқ-атвор одатларини босқичма-босқич таркиб топтирилиши каби ўзига хос хусусиятлари мазкур жараёнга технологик ёндашувни татбиқ этишни талаб этади. Тарбия жараёнида талаба-қизларда миллий фазилатларни шакллантириш улар томонидан фазилатлар моҳиятининг тўғри англанишидан одатга айланишигача бўлган бир неча босқични ўз ичига қамраб олади. О.С.Селивановнинг фикрича, исталган фазилатни шакллантириш тарбияланувчиларда дастлаб ушбу фазилатни эгаллашга нисбатан қизиқиш, хошиш-истакни ҳосил қилиш, фазилатнинг ўзига хос хусусиятлари ва аҳамиятини тушунириб бериш ҳамда хулқ-атворнинг маълум шаклига ижобий муносабатни уйғотишдан бошланади. Сўнгра машқ қилиш асосида хулқ-атвор малакалари таркиб топтиради. Хулқ-атворда кўзга ташланган камчиликларни тузатиш орқали фазилатни одатга айлантирилади².

Талаба-қизларда миллий фазилатларни шакллантириш технологияси ўзига хос концептуал асосларга эга бўлиб, қуйида уларга алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Талаба-қизларда миллий фазилатларни шакллантириш технологиясини ишлаб чиқишда ушбу технологик босқичлар гуруҳ мураббийлари ва талаба-қизларнинг ўзаро ҳамкорлигини акс эттирадиган, бир-бирини тўлдирадиган, узлуксиз ривожланиб бориш жараёнининг педагогик асосланган кетма-кетлиги бўлиши керак, деган қоидага амал қилинди.

Миллий тарбия таърифидан, унинг психологик асослари ва мезонларига асосланиб, лойиҳаланган талаба-қизларда миллий фазилатларни шакллантириш технологияси сифатида қуйидаги тизимли кетма-кетлик таклиф этилди (2- чизма).

2-чизма. Талаба-қизларда миллий фазилатларни шакллантириш технологияси

| Босқичлари | Мазмуни | Метод ва воситалари |
|------------------------------------|--|--|
| Мотивация | Талаба-қизларда миллий фазилатларни эгаллашга нисбатан қизиқиш ва хоҳиш-истакни ҳосил қилиш | Мунозара, ишонтириш, намуна, бадий асарлар, халқ оғзаки ижоди намуналари, мультимедиа воситалари |
| Когнитив (билишга доир) | Миллий фазилатларнинг ўзига хос хусусиятлари ва аҳамиятини тушунтириб бериш | Тушунтириш, маъруза, намойиш этиш, суҳбат, илмий, илмий-оммабоп ва оммабоп асарлар, даврий (вақтли) матбуот материаллари |
| Рефлексия (англаш) | Тизимли таъсир кўрсатиш ва ўз-ўзини тарбиялаш асосида миллий фазилатларга нисбатан ижобий эмоционал муносабатни қарор топтириш | Ўргатиш, талаб, кўрсатиш, койиш, ўз-ўзини таҳлил этиш, таъқиқлаш, тасалли бериш, ўғит, насихат, анъаналар, миллий кадриятлар, миллий кўргазмалар намоиши |
| Фазилатни одатга айлантириш | Турли вазиятларга жалб этиш орқали миллий фазилатларни фаолият ва мулоқотнинг реал ҳаётий шароитларига йўналтириш. | Одатлантириш, ишонч билдириш, рағбатлантириш, макташ, тақдирлаш, педагогик вазиятлар, миллий ўйинлар |

Технологиянинг босқичларига асосланиб айтиш мумкинки, миллий фазилатларни, унинг мазмуни ва моҳиятининг англаб олиниши рационал, эмоционал, амалий таркибий қисмларни ўз ичига олади. Булар мазмунан технология босқичларига мос келади – назарий билимлар, эмоционал муносабат, фаолиятга жалб қилиш. Рационал жиҳатга интеллектга йўналтирилган сўз орқали таъсир кўрсатилади. Эмоционал муносабат эса, баҳолаш орқали аниқланади ва таъсир кўрсатилади. Амалий таркибий қисм махсус ташкил этилган фаолият жараёнида амалга оширилади.

Эмоционал муносабат “Ораста бўлиш нима учун зарур?”, “Ўзбек қизлари қандай фазилатларга эга бўлиши керак?”, “Замонавий шароитда ўзбек қизларининг қайси жиҳатлари сизга ёқмайди, нима сабабдан?”, “Миллий фазилатлар сизга қандай туйғуларни ҳосил қилади?” каби саволлар ёрдамида юзага келтирилади.

Мотивацион-мазмунли идрок этиш “Нима учун талаба-қизлар миллий фазилатларни эгаллашлари зарур?”, “Миллийлик сиз учун нимани англатади?”, “Миллий фазилатлар сизга нима учун ва қанчалик зарур?”, “Келажакда миллий фазилатлар сизга керак бўладими?” каби саволлар орқали ҳосил қилинади.

Миллий фазилатларни шакллантиришда карама-қаршиликлар “Мен бу фазилатга қандай муносабат билдираман?”, “Бу фазилат менда борми (етарлича ривожланганми)?”, “Бу ҳақда бошқалар нима деб ўйлайди?”, “Бу менинг ҳаётимга қандай таъсир кўрсатади?”, “Менга қайси миллий фазилатлар етишмайди?”, “Уни ўзимда шаллантиришни истайманми, нима учун?”, “Буни удалай оламанми? Қай тарзда?”, “Менга бошқаларнинг (ота-онам, дўстларимнинг) ёрдами керакми?” каби саволлар ёрдамида аниқланади.

Фаолият реал педагогик вазиятларни яратиш жараёнида ташкил қилинади ёки талаба-қизларнинг ижтимоий ва ижтимоий-кадриятли мазмун ифода этилган аудитория ва аудиториядан ташқари фаолият жараёнида “Вазиятда акс эттирилган қизнинг ўрнида бўлганингизда сиз қандай йўл тутган бўлар эдингиз?”, “Сизда оилапарвар бўлишга истак борми?”, “Сизга чеварлик ёқадими?”, “Унинг ижтимоий натижаси қандай?”, “У ўзингизга ва

бошқаларга нима беради?” каби мотивларга эътибор қаратишни кўзда тутади.

Рефлексия – бу фаолият натижаларини шахснинг ўзи томонидан баҳоланиши бўлиб, “Мен дарсим кеч тугади деб ота-онамни алдаб тўғри иш қилдимми?”, “Сабрсизлик қилиб пушаймон бўлганда нималарни ҳис қилдим?”, “Ораста бўлиш учун ҳаракат қиялманми?”, “Натижадан қониқиш ҳосил қилдимми?” каби саволларга жавоб олинади. Шунингдек, рефлексия профессор-ўқитувчи ва гуруҳ мураббийларининг талаба-қизлар онгига доимий апелляцияси бўлиб, унда ўз ахлоқий хатти-ҳаракатлари, мулоқот ва фаолият турлари ҳамда усулларининг шахсий ва ижтимоий-қадриятли мазмунини англаш малакасини ривожлантиради.

Миллий фазилатларни талаба-қизларнинг ахлоқий қарашлари ва одобининг ажралмас қисмига айлантиришда куйидаги методлардан фойдаланилади:

а) онгга таъсир кўрсатиш методлари орқали:

- тушунтириш;
- мунозара;
- этик (ахлоқий) суҳбат;
- намуна;
- ишонтириш;
- насихат;
- кўрсатма бериш;
- фикр алмашиш;
- тасалли бериш;
- таъкидлаш ва бошқалар.

б) фаолиятга ундаш методлари орқали:

- одатлантириш;
- талаб;
- таъқиқлаш;
- уқтириш;
- истиқболга йўналтириш;
- машқ;
- ижтимоий фикр;
- тасалли бериш;
- муҳокама қилиш ва бошқалар;

в) рағбатлантириш методлари орқали:

- мақташ;
- таҳсинлаш;
- иноқлашиш;
- эркалаш;
- тақдирлаш;

- койиш;
- тергаш;
- уялтириш;
- мажбур қилиш;
- хумрайиш;
- зарда қилиш ва бошқалар.

Талаба-қизларни миллий фазилатларга одатлантиришда ахлоқий тавсифга эга педагогик вазиятлар катта аҳамиятга эга. Тарбия жараёнида қўлланиладиган ахлоқий тавсифга эга педагогик вазиятларни мазмунига кўра қуйидаги турларга ажратиш мумкин: а) дахлдорлик; б) ҳамкечинмалик; в) кескинлик; г) бартараф қилиш; д) қарши туриш. Педагогик вазиятларнинг ушбу турлари миллий фазилатларни машқ қилдириш ва шу асосда миллий ўзликни шакллантириш учун хизмат қилади.

Талаба-қизларнинг миллий фазилатларга одатлантиришга йўналтирилган тарбиявий фаолият даврий тавсифга эга бўлиб, қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- мавжуд ҳолатни аниқлаш;
- мақсадни белгилаш;
- фаолиятга ундаш;
- фаолият натижаси;
- фаолият натижасини баҳолаш;
- камчиликларни тузатиш;
- миллий фазилатларнинг ёрқин намоён бўлиши.

Хулоса қилиб айтганда, талаба-қизларда миллий фазилатларни ривожлантириш жараёни тизимли ёндашувни талаб этиб, аниқ қадамлар кетма-кетлигини белгилаб олиш ва амалга оширишни тақозо этади. Таклиф этилаётган технологик тизим ана шундай самарадорликни таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Қаримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 19-бет.
2. Селиванов О.С. Основы общей педагогики: теория и методика воспитания. – М.: Академия, 2002. –С.119.
3. The role of excursions to spiritual places in the development of the spirituality of the younger generation Utanov Utkir Kurbanovich 699-702 10.5958/2249-7137.2021.01979.0
4. Kasimova O. K. The Schools for Girls in Central Asia: the Meaning of Education and Methodology //Eastern European Scientific Journal. – 2016. – №. 3